


# Энг Зарур Дорилар Тўплами Ёки Аптечка (Дориқути)

23  
БОБ



Ҳар бир қишлоқда ва қишлоқдаги хонадонларда кутилмаган ҳолларда ёрдам кўrsatiш учун мўлжалланган энг зарур дорилар тўплами (аптечка) тайёр туриши керак:

- Хонадонда биринчи ёрдам кўrsatiшда ишлатиладиган дорилар, оддий уколлар ва оддий хасталиклар учун ишлатиладиган нарсалари бор УЙ АПТЕЧКАСИ бўлиши керак.
- Ҳар бир маҳаллада эса кундалик муаммоларни ҳал қилишда ҳам, шунингдек жиддий касалликлар пайдо бўлиб қолганида ёки бир тасодиф рўй берганида ишлатишга ҳам асқотадиган нарсалар жамланган аптечка (МАҲАЛЛА АПТЕЧКАСИ, 398-бет) бўлиши керак. Бирор одам, у хоҳ тиббиёт ходими ёки ўқитувчи бўлсин, унга жавобгар бўлиши керак. Иложи бўлса, бутун маҳалла аҳли аптечкани ташкил қилиш ва дориларга пул тўлашда иштирок этиши керак. Кўпроқ бера оладиганлар кўпроқ пул қўшиши керак. Лекин барча одамлар, **аптечканинг** пул қўша оладиган ва қўша олмайдиганлар учун ҳам умумий эканлигини тушуниши керак. **Аптечка ҳамма учун бўлиши керак.**

## Ҳаммабоп Тиббиёт Қўлланмаси 2013

Кейинги бетларда аптечкада бўлиши мумкин бўлган дорилар ҳақида билиб олишингиз мумкин. Берилган дорилар жадвалини сиз яшаётган жойингизга қараб мослаштириб олишингиз мумкин.

Жадвалда замонавий дорилар берилган бўлишига қарамай, унга хавфсиз ва фойда қиласиган халқ табобати дорилари ҳам қўшилиши мумкин.

Дорилар миқдори қанча бўлиши керак?


Аптечкада сақланиши керак бўлган дорилар миқдори, тавсия қилинган энг кам миқдордан оз бўлмаслиги керак. Кўп ҳолларда давони бошлаб олишнинг ўзи кифоя. Касални шифохонага олиб бориш ёки бирор кимсани кўпроқ дори учун жўнатиш керак бўлиб қолиши мумкин.

Дорилар миқдори аптечкадан фойдаланувчи кишилар сони ва дорилар ишлатилган сайин ўрнини тўлдириб бориш қанчалик қийинлигига ҳам боғлиқдир. Оила ва маҳалла аҳлининг қурбига ҳам боғлиқдир. Баъзи дорилар анча қимматга тушиши мумкин, лекин зарур вақтларда улар қўл остида бўлгани маъқул.

### ЎЙ АПТЕЧКАСИНИ (ДОРИҚУТИСИНИ) САҚЛАШ

- 1. ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ. Барча дориларни болалардан узоқроқда сақланг.** Кўп миқдорда ичилган ҳар қандай дори заҳарли бўлиши мумкин.
- 2. Ҳар бир дорида, унинг номи ёзилган қофози ва уни ишлатишига доир йўл-йўриқлар борлигига эътибор беринг.** Аптечкада ушбу китобнинг нусхасини сақланг.
- 3. Барча дорилар ва тиббий жиҳозларни суварак (таракан) ва каламушлардан узоқроқда тоза, қуруқ ва совуқроқ жойда сақланг.** Асбоблар, бинт ва пахтани оғзи берк целлофан халтада сақланг.
- 4. Кутимаган ҳолларда керак бўладиган дориларни доим қўлингиз остида сақланг.** Ишлатилган дорининг ўрнини тўлдириб қўйишга ҳаракат қилинг.
- 5. Ҳар бир дорининг ИШЛАТИЛИШ (ЯРОҚЛИК) МУДДАТИГа эътибор беринг.** Агар ишлатилиш муддати ўтиб кетган ёки дори айнигана бўлса, уни йўқ қилиб ташланг ва янгисини олиб келинг.

**Дориларни болалар  
ололмайдиган  
жойда сақланг.**



## **УЙ АПТЕЧКАСИ УЧУН ДОРИ-ДАРМОНЛАР СОТИБ ОЛИШ**

Ушбу китобда берилган дориларнинг кўп қисмини каттароқ шаҳар дорихоналаридан сотиб олиниши мумкин. Агар бир-неча оила ёки қишлоқ аҳли бир бўлиб, ўзларига керакли дориларни олмоқчи бўлсалар сотувчи дориларни арzonроқ нарҳда бериши ҳам мумкин. Дориларни улгуржи сотиб олиш ҳам мумкин, бу янада арzonроққа тушади.

Агар дорихонада сизга керакли дори бўлмаса, унинг ўрнини босадиган бошқасини олинг, лекин унинг сиз излаган дорига ўхшашлиги ва миқдорига эътибор беринг.

## Ҳаммабоп Тиббиёт Қўлланмаси 2013

Дориларни сотиб олаётганда уларнинг нархларини солиштиринг. Баъзи дорилар бошқаси билан бир хил эканлигига қарамай, баъзи фирмаларнинг дорилари анча қимматроқ. Қиммат дорилар арzonларидан яхшироқ эмас. Иложи бўлса, **фирмалар томонидан чиқарилган машҳур дорилардан кўра оддий дорилардан сотиб олинг**, чунки улар одатда арzonроқ. Баъзан сиз каттароқ миқдорли дорини сотиб олиш орқали ютишингиз мумкин. Масалан: 500,000 ЕД. ли Пенициллин 250,000 ЕД. ли Пенициллиндан бир оз қиммат бўлади холос, шунинг учун, каттароқ миқдорлигини олиб уни 2 та миқдор сифатида ишлатишингиз мумкин.



# Ҳаммабоп Тиббиёт Қўлланмаси 2013

## ЎЙ АПТЕЧКАСИ

Ҳар бир хонадон аптечкасида қуидаги нарсалар бўлиши керак.  
Ушбу дорилар қишлоқларда кўп учрайдиган оддий касалликларга  
даво қилиш учун етарлидир. Аптечканизга фойдали халқ табобати  
дориларини ҳам қўшиб қўйинг

## КЕРАКЛИ НАРСАЛАР

Дори ва ашёларнинг илшлатилиши ҳамда номи	Нархи (ўзингиз ёзинг)	Тавсия қилинган миқдори	Қуидаги бетга қаранг
ЯРАЛАР ВА ТЕРИ МУАММОЛАРИДА: пакетланган стерил ёпишқоқ ленталар (лейкопластир)		20	200, 408, 482
25,5; 51: 76,5 мм.ли бинтлар		2 тадан кичик	184
тоза момиқ пахта		халтачада	82, 161, 179
лейкопластир, кенглиги 25,5 мм.		2 та	182, 184
совун - агар иложи бўлса, маҳсус дезинфекцияловчи совун		1/4 литр	
70 % ли спирт		4 та кичик шиша	102, 162
Водород пероксид эритмаси		2-3та	349, 431
Вазелин		1/2 литр	179, 200, 442
оқ сирка		100 г.	615, 372, 380, 527
олтингугурт		1 та	380, 382, 388, 396
қайчи (зангламаган)		1 та	470
учли пинцет			180, 328
ТАНА ҲАРОРАТИНИ ЎЛЧАШ УЧУН: термометрлар (офиз учун) (пешов учун)			101, 102
КЕРАКЛИ НАРСАЛАРНИ ТОЗА САҚЛАШ УЧУН: полиэтилен(целлофан) пакетлар			373, 535

# Ҳаммабоп Тиббиёт Қўлланмаси 2013

## ДОРИЛАР

Дориларнинг ишлатилиши ва номи, жумладан фирма томонидан берилган ном	Ўзбекистондаги номи (ўзингиз ёзинг)	Нархи (ўзингиз ёзинг)	Тавсия қилинган миқдори	Бетни қаранг
БАКТЕРИАЛ Инфекцияларда:				
1. Пенициллин, 250 мг. ли таблеткалар (Феноксиметил Пенициллин)			40	629
2. Т-исептол (сульфаметокзол 400 мг. билан триметоприм 80 мг.)			40	641
3. Ампициллин, 250 мг. ли капсулалари			24	634
ОГРИҚ ВА ИСИТМАГА ҚАРШИ:				
5. Аспирин, 0,25; 0,5 мг. таблетка			50	649
6. Парацетамол, 500 мг. таблетка			50	651
ҚҮТИР ВА БИТЛАРГА ҚАРШИ:				
7. 2 %- 5% ли Олтингурут мази ва Олтингурут салицилат мази ёки Бензил бензонат, 20% ли крем			1 шиша 20 гр.	672
ҚИЧИШИШ ВА ҚАЙТ ҚИЛИШЛАРДА:				
9. Прометазин (Пипольфен) 25 мг. таблетка.			12	677
ОДДИЙ ТЕРИ Инфекцияси:				
10. Зелёнка (кўқ дори)			4 шиша	670
КЎЗ Инфекциясида:				
11. Гентамицин, кўз томчиси			2 шиша	681

## МАҲАЛЛА АПТЕЧКАСИ

Маҳалла аптечкасида, уй аптечкаси учун мўлжаллаган дориларнинг ҳаммаси кўпроқ микдорда бўлиши лозим, чунки бунда маҳалла ахлининг сони ва маҳалланинг марказдан қанчалик узоқлиги ҳисобга олининиши керак. Қуидида берилган дорилар ҳам аптечкага киритилиши керак; уларнинг кўпи хавфли касалликларни даволаш учун мўлжаллангандир. Сиз жадвални яшаётган жойингиздаги касалликларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартириб, унга қўшимча қилишингиз мумкин.

## ҚЎШИМЧА НАРСАЛАР

Ишлатилиши УКОЛ ҚИЛИШ УЧУН:	Воситалар номи 5мл. шприц 0,6 ва 0,9 см. маҳсус узунлиқдаги иғналар	Нархи	Сони 2 3-6 2-4	Бет 161
СИЙИШГА ҚИЙНАЛИШ	катетер (резинали ёки пластик)		2	446 447, 767,
ВЕНАЛАРНИНГ ШИШИШИ ВА ПАЙЛАРНИНГ ТОРТИШИШИ:	эластик боғламлар, кенглиги 51 мм. ва 76,5 мм.		3-6	208
Қулоқ ва бошқаларни кўриш учун	кичкина фонар		1	106, 471

# Ҳаммабоп Тиббиёт Қўлланмаси 2013

## ҚЎШИМЧА ДОРИЛАР

Ишлатилиши	Дориларнинг номи	Ўзбекистондаги номи	Нархи	Сони	Бет
ОФИР Инфекцияларда:					
Пенициллин уколи; Бензилпенициллин-новокайн 600,000 ЕД.			20-40	632	
2. Ампициллин, уколи 250, 500 мг. ли флакончалар			20-40	634	
3. Гентамицин 40 мг. 1 мл. да; 80 мг. 2 мл. да			20-40	643	
4. Доксициклин капсулалари ёки таблеткалари 100 мг.			40	639	

## Ҳаммабоп Тиббиёт Қўлланмаси 2013

Ишлатилиши	Дориларнинг номи	Ўзбекистондаги номи	Нархи	Сони	Бет
АМЁБИЯЗ ВА ЛЯМБЛИЯЗДА:					
4. Метронидазол, (Трихопол), 250 мг. таблетка			40-80 15-30	649	
ТУТҚАНОҚ, ҚОҚШОЛ ВА ҚАТТИҚ ЙЎТАЛ МАҲАЛЛАРИДА					
5. Фенобарбитал 100 мг. таблетка.			5-10	669	
ОФИР АЛЛЕРГИЯ ВА АСТМАДА					
6. Эпинефрин (Адреналин) уколи, 1 мг. ли ампула			5-10	682	
АСТМАГА					
7. Салбутамол (Аэрозол)			3	693	
ТУҒРУҚДАН КЕЙИНГИ КЎП ҚОН КЕТИШГА					
8. Метилергометрин (0,02 % ли) 0,2 мг. ли укол, Окситоцин 1мл.(5ЕД)			5 та	730	
КАМҚОНЛИК:					
9. Темир (Темир сульфат) 200 мг. таблетка (дориларда С (Ц) витамини ва фолат кислота бўлса яна яхши)			1000	702	

## БАЪЗИ ЖОЙЛАРДА КЕРАК БЎЛАДИГАН ДОРИЛАР

Ишлатилиши Дориларнинг номи	Ўзбекистондаги номи	Нархи Сони	Бет
КЎЗЛАРНИНГ ҚУРИШИ УЧРАЙДИГАН ЖОЙЛАРДА (КСЕРОФТАЛМИЯ) Витамин А 5000 ва 25000 М.Э. (Ретинол) капсулалар		10-100	705
ҚОҚШОЛ УЧРАШИ МУМКИН БЎЛГАН ЖОЙЛАРДА Қоқшол антитоксини 50.000 Ед. (иложи бўлса, кукунлаштирилгани)		2-4 шиша	652
ИЛОН ВА ЧАЁН ЧАҚИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЖОЙЛАРДА Чақишга қарши маҳсус зардоллар		2	653
БЕЗГАК УЧРАШИ МУМКИН БЎЛГАН ЖОЙЛАРДА Хлорохин фосфат (хингамин, делагил, маларекс) 250 мг. таблетка.		50	656
ВАЗНИ ЕТАРЛИ БЎЛМАГАН ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДАГИ ҚОН КЕТИШЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЁКИ ДАВОЛАШ УЧУН К витамини 10 мг. ампула укол		2	706

## СУРУНКАЛИ КАСАЛЛИКЛАР УЧУН ДОРИЛАР

МАҲАЛЛА АПТЕЧКАСИда сил, пес, ёки шистосомоз

каби сурункали касалликларга қарши дориларни сақлаш талаб қилинмайди. Бемор ушбу касалликлардан бирига чалинганлигини аниқлаш учун тиббиёт марказида маҳсус текширувлар ўтказилиши зарур, керакли дорилар ҳам ўша ернинг ўзида топилади. Қишлоқ аптечкасига тўпланган дорилар, одамларнинг яшаш шароити ва бунга маъсул одамларнинг тиббий маълумотига боғлиқдир.

## ЭМ ДОРИЛАР

Эм дорилар ушбу жадвалга киргизилмаганлигининг сабаби, улар одатда Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан берилади. Лекин болаларнинг вақтида эмланганлигини қатъий назорат қилиш керак (273-бет). Шунинг учун, совутгич (холодильник) бор жойда, маҳалла аптечканинг бир қисмини ва айниқса, АҚДС, шол ва қизамиққа қарши эм дириларни унда сақлаши керак.

## ҚИШЛОҚ ДОРИ СОТУВЧИСИГА (ФАРМАЦЕВТИГА) МУРОЖААТ

Азиз дўстим !

Сиз дўконингизда дорилар  
сотадиган бўлсангиз, одамлар сиздан  
қайси дорини сотиб олиш ва уни қандай  
ишлатилиш кераклиги ҳақида сўрайдилар.  
Сиз одамлар соғлиғи ва билимига катта  
таъсир қилишингиз мумкин.

Ушбу китоб харидорингизга фақат  
керакли дориларни сотиб тўғри маслаҳат  
беришингизга ёрдам беради.

Ўзингиз билганингиздек, кўпинча ночор оилалар шундоқ ҳам оз  
пулларини фойда қилмайдиган дориларга сарфлайдилар. Сиз уларга  
ўз соғлиқ эҳтиёжларини ва пулларини оқилона сарфлашларини  
тушунишга ёрдам бера оласиз.

**Масалан:**

- Агар одамлар сўраган дори сизда бўлмаса, сиз уларга дорининг  
бошқа номланишини айтиб беришингиз мумкин
- Агар одамлар йўталга қарши сироп, камқонликка қарши В12  
ёки жигар экстракти, оғриқ ёки пай тортишишига Пенициллин ёки  
шамоллаганга тетрациклин олмоқчи бўлсалар, уларга бу дориларни  
кераги йўқлигини ва уларнинг фойдасидан зарари кўпроқ эканлигини  
тушунтиринг. Улар билан керакли дорилар ҳақида гаплашинг.
- Агар бирор кимса қувват берувчи витаминалардан олмоқчи  
бўлса, унга шу пулини тухум, мева ёки сабзавотларга сарфлаши  
фойдалироқ эканлигини тушунтиринг.
- Агар одамлар таблеткалари бор дориларнинг уколини олмоқчи  
бўлса, уларга таблетка хавфсизроқ эканини тушунтиринг.
- Агар бирор одам „шамоллашга қарши таблетка” ёки аспириннинг  
қиммат туридан олмоқчи бўлса, уларга оддий аспирин (ёки  
Парацетамол) ҳам кўп сув билан ичилганда яхши фойда беришини  
тушунтиринг. Таблетка ва уколларнинг фойдалари бир хил, лекин  
таблеткалар хавфсизроқдир.



## Ҳаммабоп Тиббиёт Қўлланмаси 2013

Агар сиз бу китобдан керакли маълумотни топиб, харидорингиз билан биргалиқда ўша жойни ўқисангиз, сизга тушунтириш анча осонроқ бўлади.

Фақат фойдали дориларни сотинг. Дорихонангизни Уй ва Маҳалла Аптечкасида керак бўладиган нарса ва дорилар ҳамда оддий, яшаш жойингизда кўп учрайдиган касалликларга қарши арzonроқ дорилар билан таъминланг.

Ишлатиш даври тугаган, зааррланган ёки фойдаси йўқ дориларни ҳеч қачон сотманг.

Дорихона одамлар учун ўз соғлиқларини эҳтиётлашни ўрганадиган жой бўлиб қолиши керак. Агар сиз орқали одамлар дориларни оқилона ишлатиш йўлларини ва миқдорларини, шунингдек уларнинг хавфлари ва эҳтиёт чораларини билиб олсалар, сиз жамиятингиз учун буюк хизмат қилган бўласиз.

Омад сизга ёр бўлсин!

***Ҳурмат билан “Ҳаммабоп Тиббиёт Қўлланмасининг” ижодий жамоаси.***